

УДК: 369.722

ОИЛАДА ЁШ АВЛОД ТАЪЛИМ-ТАРБИЯСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА  
ШАРК АЛЛОМАЛАРИНИНГ МАЪНАВИЙ МЕРОСИ ШАКИЛЛАНТИРИШ  
ТАРИХИ.

ИСТОРИЯ ФОРМИРОВАНИЯ ДУХОВНОГО НАСЛЕДИЯ ВОСТОЧНЫХ  
УЧЁНЫХ В ВОСПИТАНИИ И ОБРАЗОВАНИИ МОЛОДОГО ПОКОЛЕНИЯ В  
СЕМЬЕ.

THE HISTORY OF THE FORMATION OF THE SPIRITUAL HERITAGE OF  
EASTERN SCHOLARS IN SHAPING THE EDUCATION AND UPBRINGING  
OF THE YOUNGER GENERATION WITHIN THE FAMILY.

Педагогика ва психология катта уқитувчи

Рохаталиев М.М. (ТДТУ)

68-23 гуруҳ талаба

Эргашева Озода

Ушбу мақоламда оиладаги ёш авлодларнинг таълим-тарбияси, муқаддас ҳадис шарифда баркамол авлодни одоб-ахлоққа чақириш, алломаларимизнинг бой ўлмас манавий меросини ўрганиш, бизга қолдириб кетган манбаларни ўқиб биз уларни оиладаги ёш авлод таълим-тарбияси ҳаётий жараёнимизга тадбиқ этишдан иборат.

Калитли сўзлар: глобализув, ота – она, оила, фарзанд, ҳамкор – ҳамдард, таълим – тарбия, ахлоқ – одоб, ҳадис ва инсонпарварлик.

В этой статье. Эта статья посвящена воспитанию детей в семье и роли родителей и детей в семье, и их анализ в хадисах направлен на изучение богатого духовного наследия наших ученых, а также на чтение и анализ духовных книг, оставленных нам.

Ключевы слова: Глобализация, отец, мать, семья, ребенок, партнер - сочувствие, образование - воспитание, этика - манеры, хадисы и гуманизм.

In this article. This article is about the upbringing of children in the family and the role of parents and children in the family, and their analysis in the hadith is to study the rich spiritual heritage of our scholars and to analyze the spiritual books left to us.

Key words: Globalization, father, mother, family, child, partner - sympathy, education - upbringing, ethics - manners, hadith and humanism.

Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев ўзбекистон халқини ишонтириб айтмоқчиман; биз ёшларга доир давлат сиёсатини ҳеч оғишмасдан, қатият билан давом эттираемиз. Нафақат давом эттираемиз, балки бу сиёсатини уствор вазифа сифатида бугунги давр талаб қилаётган юксак даражага кўтарамиз. Сизларнинг замонавий билим ва касб-хунарларни эгалаб ҳаёт ўз мустаҳкам ўрнингни топишингиз, бахтли бўлишингиз учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз [1]. Ҳозирги пайтда соғлом авлодни тарбиялаб, вояга етказишимиз жамият тараққиёти учун замин бўлиб, соғлом киши деганда фақат жисмоний соғломликкина эмас, балки шарқона ахлоқ-одоб ва диний қадриятлар ғоялар руҳида камол топган ёш авлодни тушунишимиз олдимизда турган долзарб масаладир. Оилавий муносабатлар маданиятини ривожланиши ижтимоий тараққиётнинг узлуксиз жараёни ҳисобланиб, у жамият босқичларидаги маънавий-ахлоқий, диний-маданий, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси билан боғлиқ ҳолда кечган. Олимларнинг фикрига кўра, оила-маданий мерос, ахлоқий нормалар ва анъаналарни ташувчи умуминсоний қадриятнинг нодир ижтимоий бирлиги бўлиб, ҳозирги шароитда нафақат унинг шахс маънавий маданиятининг ривожланишида, балки жамият ривожини учун ҳам аҳамияти ортиб бормоқда. Оиланинг шаклланиши ва ривожланишига олиб келган икки тамойилни кўрсатиш лозим: биринчиси, одамлар яшаш учун бирлашиб, моддий неъматлар ишлаб чиқариш эҳтиёжи; иккинчиси, насл қолдириш йўли билан ҳаётни давом эттиришга интилиши. Бу иккала тамойил инсон маънавиятини такомиллаштиришни тақозо этиб, ижтимоий ҳаёт тажрибаси орқали амалга ошган. Бу жараёнларда асосий ҳал қилувчи омил ижтимоий birlik ҳисобланиб, шу асосда моддий неъматлар яратиш

такомиллаштирилган. Оила ижтимоий бирлик тизимида нисбатан мустақил ҳодиса ҳисобланса-да, жамият тарихий тараққиётида мавжуд бўлган ижтимоий, иқтисодий, маънавий, ахлоқий омиллар тобора муҳим аҳамият касб этиб борган. Оила ва жамиятнинг тадрижи ҳар доим бир-бири билан боғлиқ равишда амалга ошган. Шу сабабли оила қуришнинг биологик сабаблари бир хил, аммо ижтимоий моҳияти, шакллари тез такомиллашиб, ўзгариб турган. Никоҳ барча даврларда ҳам ҳақиқий оиланинг такомиллашуви ва ривожланишига маънавий, ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилган. Никоҳ янги қурилаётган оилани давлат, жамият томонидан расмий равишда тан ҳуқуқий ва ижтимоий олиншидир. Шу сабабли ҳам никоҳни қайд этиш давлат органларининг вазифаларидан бири бўлган, унинг меъёр ва мақсадлари қонунлар билан белгиланган. Барча диний таълимотларда никоҳнинг шакли ва мақсадлари масаласига бефарқ қаралмаган. Никоҳнинг бекор қилиниши эса, давлат томонидан қайд этилган, унинг ахлоқий, ҳуқуқий меъёрлари белгилаб қўйилган. Ислом манбаларида оиланинг ташкил бўлиши, мазмун-моҳияти, оила муносабатлари маданиятига оид кўрсатмалар, талаблар ўз ифодасини топган. Никоҳ – арабча сўз бўлиб, қўшилиш деган маънони англатади Бу фақат жисмоний жуфтлашиш эмас балки маънавий муштараклашишдир. У ижтимоий ҳодиса бўлганлиги учун гувоҳлар иштирокида амалга оширилади. Бурхониддин Марғиноний ёзишича: "Билгинки, никоҳ бобида гувоҳлик шартдир", чунки Расулуллоҳ (с.а.в.): "Гувоҳларсиз никоҳ никоҳ эмас", деганлар [2]. Ислом дини тарғиб қилган оила маданияти жоҳилия даврида ҳукм сурган оилавий муносабатлардан тубдан фарқ қилади. Агарда жоҳилия даврида аёлларнинг оиладаги ҳуқуқлари умуман паймол қилинган ҳолда эркак ҳолаганича хотин олиш (15-20 та, ундан ҳам кўп) ҳуқуқига эга бўлган бўлса, ислом манбаларида бу масалалар муайян даражада тартибга солинди. Исломга асосланиб қуриладиган оилалар янгича мазмун, янгича шакл касб эта бошлади. Қарийиб 1,5 минг йил давомида исломга эътиқод қилувчи халқлар исломий никоҳ асосида оила қурадилар ва шу давр ичида оила муносабатлари маданияти шаклланиб, мазмуни бойиб борди. Оила хусусидаги қарашлар Куръони карим,

ҳадиси шариф, шариат аҳкомларида ёрқин ифодасини топган. Оила қуриш ҳақида Қуръоннинг "Нисо", "Талоқ" ва бошқа суралари бағишлангани бундан далолат беради. Жумладан, "Нисо" сурасида оила қуриш қатъий никоҳ асосида бўлишини таъкидлаб шундай дейилади. Эй, имон келтирганлар! Сизларга хотинларни мажбурий равишда мерос қилиб олиш ҳалол эмасдир [3]. Яна никоҳнинг машруъ бўлиши ҳақида "Нур" сурасининг 32- ояти, [4] "Нисо" сурасининг 3 [5], 24 [6], 127 [7]- оятлари бағишланган. Уларда шаръий никоҳнинг ақидавий талаб ва қоидалари, бошқа оятларда эса никоҳ ман этилган аёллар. [8] опа-сингилларнинг бир никоҳда жамланмаслиги ва бошқа жиҳатлари ўз ифодасини топган. Ёш авлод таълим- тарбиясида ота-она ўзаро ёрдамчидир. Фарзанд ўз олдидаги олий мақсадини амалга оширишда ёшлигидан олган билими, ўқиган китоблари эзгу ўғитлари доимо унга ҳамроҳ бўлади. Ота-она фарзандига муносиб ўрнатқ кўрсатиш учун биринчи ўринда ўзлари маънавий жиҳатидан баркамол етук инсонлар бўлиши керак. Ўзаро ҳурмат, садоқат, мухаббат, меҳнатсеварлик, оилапарварлик, фарзандлар учун ибрат мактаби бўлиб қолади. Демак, ота-она оилада бир-бирига кўмакчи бўлиб, ўзаро меҳр-мухаббатли бўлса, фарзандларга яхши таъсир кўрсатади. Ота ва она оила маънавиятига оид табарруқ китоблар таълим тарбия усулларида хабардор бўлиб, уларга амал қилсалар фарзандлари тарбияли бўлиб етишади. Боланинг ёшлигидан соғлом ўсиши тарбияси ширинсўзлик билан шарт-шароитлар яратиб бериши керак. Ёш болалар тарбиясига ота ва она асло бефарқ қарамасликлари лозим. Улар яхши билан ёмон хислатларни фарқлай олишлари, яхшилик ҳамма нарсага қодирлиги, ёмон фарзанд ота-онани бадном қилишини тушунтириб бериши керак. Ота ва она ўз фарзандига ҳар қанча бўлса ҳам илм олиш, ҳаёт машаққатларини енгишда меҳнатсеварликка, тиришқоқликка ўргатиши лозим. «Ҳикматнома» деган китобда қуйидагилар келтирилган: «Ҳар кимни илми бўлмаса обрўи бўлмайди. Ҳар кимнинг фарзанди бўлмаса кўзининг нури бўлмайди ва ҳар кимнинг яхши хотини бўлмаса тинчлиги бўлмайди», - дейилган. Демак ота-она бир-бирларига кўмаклашиши, аҳил бўлиши, ҳамжиҳат иш

тутиши, барча ишларда ҳамкор-ҳамдард бўлиши фарзанд тарбиясининг асосий омилидир. Фарзанд ўзи шу ишларга ҳар қанча ҳаракат қилмасин, ҳеч қачон рўёбга чиқа олмайди. Уни ота-она ва илм ёруғ йўлга бошлайди. Алломалар илм инсониятни узоқ ва ёруғ манзилга етакловчи йўлчи юлдуздир деб бекорга айтишмаган. Ота тарбияси миллий ва диний кадриятлар, Қуръони карим, ҳадис қоидалари билан боғланса, фарзанд тарбияси яхши мазмунли бўлади. Таълим тарбия жараёнида танбеҳ берилиши меъеридан ошиб кетса энг ёқимли нарса ҳам энг ёқимсиз бўлиб қолади. Инсонни инсон қилиб шакллантирувчи нарса тарбиядир. Инсонни бахтли қиладиган нарса пул ҳам, жисмоний куч ҳам эмас, балки ҳаққонийлик ва ҳар томонлама доноликдир. Оиладаги фарзанд муҳитга мослаша бориб, аста-секин ҳаётга қадам кўяди. Тарбияли бола ўзи кўрган ёмон иллатлардан жирканса, яхшиликлардан ибрат олишга интилади. Буни кўриб кузатган ота-она ҳам фарзандидан қувонади. Бу ҳақда Афлотун шундай дейди: «Баданнинг жароҳати даво билан жоннинг жароҳати эса ҳикмат билан тузалади», - деган. Фарзанд оила қувончи. Ҳаётнинг лаззати фарзанд билан. Фарзанд ҳам ота ва онанинг қувончини оқлаш учун, уларнинг ҳурмат қилиши зарур. Ота-онага хизмат қилиш ҳам қарз ҳам фарз ҳисобланади. Оилада ота- она ўз фарзандларини яхши кўради. Буни фарзанд ҳам билиб қўйиш керак. Оила тарбиясининг энг муҳим асоси ота-онанинг маънавияти, ҳалол меҳнати, пешона терини тўкиб меҳнат қилиб орттирган ҳалол бойлигидир. Бу ҳақда диний кадриятларда шундай дейилган: «Ҳазрат Умар (р.а) мўминларнинг ҳалифаси бўлган даврлари мусулмонлар роҳат ва ҳузур ичида ҳаёт кечиришарди. Ҳазрат Умар (р.а) бир куни яқинлари ила суҳбат куриб ўтирган эдилар. Шу вақт бир одам ўғли билан бирга халифа суҳбат кураётган хонага кириб келди. У одамнинг кўриниши ташвишли эди. У одам халифа Ҳазрат Умар (р.а) га келиб: Ё Амирал - мўминин кўриб турганингиз бу ёш йигит менинг ўғлим. У менинг сўзларимга қулоқ солмайди. Мен бир жафокаш одамман-дейди. Бу шикояни эшитиб Ҳазрат Умар (р.а) ул зотнинг ўғлига: -Эй йигит! Сен Оллоҳдан кўркмайсанми? Фарзанд ота-онага ҳам қарши чиқадими? Отангни сенда ҳақлари бор, уларни қандай

узасан? - дейди. Йигит шундай жавоб берди: - ниҳоятда тўғри сўзладингиз Амирал – мўминин! Бу сўзларингизнинг ҳаммаси отанинг ўғлига бўлган ҳақларидир. Аммо, фарзанднинг ота-онга ҳаққи йўқми? Йигитнинг бу жавоби, ҳаққоний сўзлари Ҳазрат Умар (р.а) ни таъсирлантирди.

- Табиий, ҳаққи бор. Фарзанднинг ота-онасида ушбу ҳақлари бор:

1. Фарзанд туғилса оллоҳни таништириб, ўнг қулоғига азон айтиш тақбири билан. 2. Фарзанд туғилгач, унга яхши исм қўйиш. 3. Боланинг ақли етганича унга диний илм Қуръони Каримни ўргатиш. 4. Уйланиш вақти келганда фарзандни уйлантириш. Бунинг акси бўлса, фарзандига ёмонлик қилган бўлади. Чунки ота- онанинг ёмон феъли болага ҳам ўтади.

Ҳазрат Умар (р.а) нинг бу тушунтиришини эшитгач йигит бундай дейди:

-Шундай Амирал-мўминин! Бу айтганларингиздан ҳеч бирини отам адо этмаган. Бу бурчларни бажармаган»

Онам бўлмиш аёлни асирлар (қул) бозоридан 400 дирҳам пулга сотиб олган. Онам бўлмиш аёлни қандайлигини билмаган.

Айтганингиздай менга муносиб бир исм қўймаган. Менга Қора кўнғиз маъносини берувчи «Жуал» исмини берган.

Диним ва Оллоҳ китобидан бир калима ҳам ўргатмаган. Бу жавобни диққат билан тинглаб Ҳазрат Умар (р.а) бундай буюрди:

- Эй отаман деган одам: Сен: «Ўғлим менга исён қилади, кулоқ солмайди менга азоб беради», дейсан. Аслида сен унга исён этгансан, сен ўғлингга ёмонликларни раво кўрибсан, сен унга жафо қилибсан. Хатони сен қилгансан. Энди мен сенга нима дейишим мумкин, қандай ёрдам бераман. Бошга тушганни кўз кўради. Сен ўзингга ўзинг ёмонлик қилгансан дейди. Тарихий манбаларда Амир Темурауннаҳрда илгаридан мавжуд анъанани давом эттириб ўзининг ҳар бир ғалабасини байрам, тўй билан нишонланган. Ҳар бир азиз кишини ҳурмат иззатини йўлга қўйиб, айниқса меҳмонни зиёфат ва базм билан жуда чиройли ўтказган. Айниқса оилавий маросимларни ҳам созанда, хонанда ва ўйинчиларнинг катта-катта гуруҳларини жалб этган ҳолда ўтказишни ёқтирган.

Ёшларга ибрат бўлсин деб, катталарга ҳурмат ва анъана, урф-одатларни қандай бўлишини кўрсатиб ўтган. Ҳар бир маъракаларда ўзига яраша томошалар кўрсатилиб, ёшларга ўрнак сифатида майдон томошалар орасида от билан чопадиган пойга, улоқ чопиш, чавгон ўйини кабиллар ҳаққоний куч синови ҳисобланмиш кураш, қилич, найза, гурзи ва бошқа жанговор қуроллар билан ўтадиган беллашувлар, шунингдек кўчқор, хўроз уриштириш каби қадимий ўйин анъаналар ёшларда шижоатликни кучайтирган. Томошабинлар орасида ёшлар ўта фаол бўлишган гуруҳ жамоа ёки уруғ майдонида ёки моҳирлигини қуватли ёшларни руҳлантирилиб борилган. Бутун ўйин ва томошаларда ёшларга бўлган таълим- тарбияга жуда катта эътибор берган. Йигитларни машқларда ютуғидан қувонган, мағлубиятидан ачинган. Голиблар сирли тош билан, тетик руҳлантириб рағбатлантирилган. Али Яздий «Зафарнома» асарида Амир Темурни ҳаёти билан боғлиқ маълумотлар бор. 1. Амир Темур ҳаёти билан тўйлар; 2. Амир Темур фарзандлари ва неваралари ҳаёти; 3. Давлат ва дин ишлари билан боғлиқ маросимлар мавжуд. Соҳибқирон ҳар бир ғалабдан сўнг ўз жангчиларини иззат-ҳурмат кўрсатган уларга кийим-кечак, қимматбаҳо тошлар билан безатилган камарлар инъом этган. Али Яздий айтишича номойишларда фил., қўй, туя, сиртлон, қоплон бўри қиёфасида бўлиб ўзларини маҳоратларини кўрсатишган. Бу фикрлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, оилада фарзандлар таълим тарбиясида ота-она оила ҳукмини ҳаётда яхши ўрганиб дунёвий ва диний қадриятлар ва анъаналар оилага тадбиқ этишса ёмон бўлмайди. Фарзандлар таълим тарбиясида диний қадриятларни ўрни бекиёсдир. Улардан фойдаланиш «от изини той босар» дейишганидек фарзандлар таълим-тарбиясида бурч ва масъулиятни ҳис қилиш жамият ривожига зомин бўлиши шароит яратилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

Шавкат Мирзиёев. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. Тошкент. "Ўзбекистон" НМИУ, 2018.Б.498

Шарқ донишмандлар ҳикмати. –Т., 2006. 81-б.

Қорабоев У.Х. Ўзбек халқ байрамлари. –Т., 2002. 51-б

Шарафиддин Али Яздий «Зафарнома» Муҳаммад Али бин Дарвеш Али ал-Бухорий таржимаси. –Т., 1997.78-б.

Амир Темур ва Улуғбек замондошлари. –Т.: Шарқ, 1997. 192-б.